

## ДИНИЙ МАЗМУНДАГИ ТАҚИҚЛАНГАН МАТЕРИАЛЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА ДИНШУНОСЛИК ЭКСПЕРТИЗАСИНИ ЎТКАЗИШ АМАЛИЁТИНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ

Нурумбетова Садоқат Аллаяровна

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар Вазирлиги Академияси Дастлабки тергов ва  
криминалистика кафедраси доценти подполковник

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7135185>

**Аннотация.** Мақолада ҳозирги замонда тинчлик ва хавфсизликка таҳдид солаётган энг хавфли офат бу халқаро миқёсларда ривожланиб бораётган экстремизм жинояти эканлиги, унинг хавфсизликка ва ижтимоий-сиёсий барқарорликка таҳдид солиб, мамлакатда нотинчликка сабаб бўлувчи, тинч ва осуда ҳаёт тарзини издан чиқарувчи, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини поймол этувчи, давлат ва фуқароларнинг мол-мулкига жиддий зарар етказувчи ҳамда жамият ва давлат ривожланишини, равнақини ортга сурувчи энг хатарли, оғир ва ижтимоий хавфи юқори бўлган жиноят тури эканлиги ва тақиқланган диний мазмундаги материаллар учун экспертизалар ўтказишнинг муҳим жиҳатлари кўрсатиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** экспертиза, қўлланма, тарқатма материал, хуруж, ижтимоий тармоқ, жиноий таъқиб, муҳофаза, хавфсизлик, диний экстремизм, сепаратизм, ақидапарастлик, дахлсизлик, варақа.

## ВАЖНЫЕ АСПЕКТЫ ПРАКТИЧЕСКОЙ РЕЛИГИОЗНОЙ ЭКСПЕРТИЗЫ ПРИ РАССЛЕДОВАНИИ ПРЕСТУПЛЕНИЙ, СВЯЗАННЫХ С ЗАПРЕЩЕННЫМИ РЕЛИГИОЗНЫМИ МАТЕРИАЛАМИ

**Аннотация.** В статье указано, что наиболее опасным бедствием, угрожающим миру и безопасности в настоящее время, является преступление экстремизма, развивающееся в международном масштабе, показано, что это наиболее опасный, тяжкий и общественно опасный вид преступления, причиняющий нанесение серьезного ущерба имуществу государства и граждан и сдерживание развития и процветания общества и государства, а также важные аспекты проведения экспертиз на наличие материалов запрещенного религиозного содержания.

**Ключевые слова:** экспертиза, пособие, раздаточный материал, атака, социальная сеть, уголовное преследование, защита, безопасность, религиозный экстремизм, сепаратизм, фанатизм, неприкосновенность, листовка.

## VAIN ASPECTS OF PRACTICAL RELIGIOUS EXAMINATION IN THE INVESTIGATION OF CRIMES RELATED TO PROHIBITED RELIGIOUS MATERIALS

**Abstract.** The article states that the most dangerous disaster that threatens peace and security at the present time is the crime of extremism, which is developing on an international scale. It is shown that it is the most dangerous, serious and socially dangerous type of crime that causes serious damage to the property of the state and citizens and retards the development and prosperity of society and the state, and the important aspects of conducting examinations for prohibited religious content materials.

**Keywords:** expertise, manual, handout, attack, social network, criminal prosecution, protection, security, religious extremism, separatism, bigotry, immunity, flyer.

## КИРИШ

Тинчлик буюк неъмат, инсон ҳаётининг бирламчи шарти ҳисобланади. Чунки, осуда ҳаёт, яратувчанлик ва фаровонлик, умуман, барча эзгу мақсадларнинг рўёби, энг аввало, шу неъматга боғлиқ. Шунинг учун ҳам қадимдан барча халқлар тинчликни асраш учун моли-ю жони билан курашиб келганлар. Аммо воқелик тинчликни кўплаб мамлакатлар учун ҳали ҳануз орзу бўлиб қолаётганини кўрсатмоқда. Экстремизм ва терроризм алоҳида мамлакатларнинг миллий хавфсизлиги ва умуман жаҳон ҳамжамиятига жиддий таҳдид уйғотаётган омилга айланди. Умумбашарий муаммога айланган экстремизм ва терроризмни жаҳон ҳамжамияти фақат биргаликда, турли тор геосиёсий манфаатлардан воз кечган ҳолда ҳаракат қилибгина енга олиши мумкинлиги аксарият давлатлар томонидан тан олинган ҳақиқатдир.

## ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Экстремизм ва терроризм ҳозирги замонда энг хавфли ҳамда оқибатларини башорат қилиш қийин бўлган ҳодисага айланиб улгурди [1]. Террорчилик актлари бегуноҳ инсонларнинг бевақт ҳаётдан кўз юмиши, жамият фаровонлигига хизмат қилувчи моддий ва маънавий бойликларнинг йўқ қилиниши, кишиларнинг тинч-осуда кундалик ҳаёт тарзини барбод бўлишига сабаб бўлмоқда. Айниқса, бугунги таҳликали ва мураккаб замонда дунё бўйлаб юз бераётган кескин вазиятлар ва ўзаро зиддиятлар, миллатлар ва динлар ўртасида турли можароларга сабаб бўлиши билан бирга дунёда ўрнатилган мавжуд тартиботларни ҳам изидан чиқармоқда.

Маълумки Республикамизда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижросини таъминлаш, шунингдек, диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш фаолиятини тартибга солиш ҳамда диншунослик экспертизасидан ўтказиш изчил қонун билан тартибга солиниб келмоқда.

Бу йўлда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, экстремистик оқимлар сафига адашиб кириб қолган, қўли қонга ботмаган ва қилган ишидан чин дилдан пушаймон бўлганларга нисабатан кечиримлилиқ сиёсатини олиб бориш, ёш авлодни турли бузғунчи оқимлар сафига кириб қолишларини олдини олиш бўйича мунтазам тарғибот ишларини олиб бориш долзарб вазифалар этиб белгиланган. Ўз навбатида, мамлакатизмининг экстремизм ва терроризмга қарши маърифий йўл билан кураш олиб бораётгани кўплаб давлатлар ва халқаро ташкилотлар ҳамда мустақил экспертлар томонидан юқори баҳоланмоқда.

Диншунослик экспертизаларида кўриб чиқиладиган диний мазмундаги материаллар бўйича экспертиза тайинлаётган органда ҳам бир қатор тушунчалар бўлиши лозим. Назарий жиҳатдан **диний мазмундаги материаллар** (кейинги ўринларда — материаллар) — диний таълимотнинг ақидавий асосларини, тарихини, диний таълимот мафкурасини ва шарҳларни, турли диний таълимотларнинг маросимлар ўтказиш амалиётини, шунингдек, алоҳида шахсларнинг, тарихий фактлар ва ҳодисаларнинг диний нуқтаи назардан баҳосини акс эттирувчи китоблар, рисоалар, журналлар, газеталар, варақалар, бошқа босма нашрлар, белгилар, предметлар, рамзлар, аудиовизуал асарлар (теле, кино ва видеофильмлар, клиплар, концерт дастурларининг ёзувлари, мультфильмлар ва бошқалар), электрон ахборот ташувчилар (дискетлар, CD, DVD

дисклари, ўрнатилган ва ечиб олинган хотира карталари, Интернет жаҳон ахборот тармоғида жойлаштирилган материаллар ва бошқалар) тушунилади [2].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 январдаги “Диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 10-сон қарори асосида тасдиқланган Низомда: **“Ваколатли орган йилига камида икки марта манфаатдор вазирликлар ва идораларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш тақиқланган материаллар рўyxатини тақдим этади”**, дейилган. Мазкур низомга кўра, ваколатли орган яъни **Дин ишлари бўйича қўмита томонидан, йилига камида икки марта**, манфаатдор вазирликлар ва идораларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш тақиқланган материаллар рўyxатини тақдим этилади. Бу 2014 йилдан буён амалда бўлиб келаётган ҳуқуқий жараён дур.

Шу ўринда диний мазмундаги материалларни олиб кириш, тайёрлаш ва тарқатиш нима эканлигини ҳам аниқлаштириб олиш мақсадга мувофиқ. Диний мазмундаги материалларни олиб кириш бу - хорижда тайёрланган материалларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида етказиб беришнинг ҳар қандай шакли ҳисобланса, тайёрлаш - Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғи, ахборотни узатиш ва тарқатишнинг бошқа электрон воситалари орқали материалларни нашр этиш, қайта нашр этиш ва нусха кўчириш ҳисобланади, тарқатиш эса— Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғи, ахборотни узатиш ва тарқатишнинг бошқа электрон воситалари орқали материалларни сотиш, етказиб бериш, тарқатиш, юбориш ва уларга обуна бўлиш тушунилади[3].

**Шунингдек, мазкур низомда тақиқланган диний мазмундаги материалларга нисбатан диншунослик экспертизаси ўтказишдан кўзланган мақсад нима эканлигига ҳам ойдинлик киритилган.**

Яъни, Давлат диншунослик экспертизаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 январдаги 10-сонли қарорига мувофиқ, ваколатли орган бўлган Дин ишлари бўйича қўмита томонидан амалга оширилади. Мазкур қарорда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида четдан олиб кириладиган ҳамда республика ҳудудида ишлаб чиқариладиган диний мазмундаги материаллар давлат диншунослик экспертизасидан ўтказилиши лозимлиги белгилаб қўйилган.

Дин ишлари бўйича қўмита эксперт-мутахассислари томонидан амалга ошириладиган давлат диншунослик экспертизаси амалиёти ўзида **хориждан олиб кириладиган ва юртимизда тайёрланадиган диний материалларда соф диний ақидалардан оғишганлик, дин асосларини нотўғри талқин этиш, динлараро адоват ва нафрат кўзғатиш каби номақбул мақсадларда фойдаланиш ва илмий асосга эга бўлмаган маълумот ва талқинларга йўл қўйилмаслигини таъминлашни** ифода этади [4].

#### **ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ**

Экстремизмнинг турли кўринишларини кўриб чиқиб, улар орасида чуқур ўзаро боғлиқлик мавжудлигини таъкидлаш мумкин. Бу борада сиёсий-ғоявий асосда экстремизмнинг классификацияси намоён бўлади.

Ушбу мезондан фойдаланиш экстремизмнинг қуйидаги асосий турларини ажратиш имконини беради.

Сиёсий экстремизм анъанавий тарзда ўнг ва сўлга бўлинади. Сиёсий экстремизмнинг иккала оқими ҳам замонавий инсон ҳуқуқлари доктринаси, буржуа-демократик бошқарувдаги жамиятни тан олмайди ҳамда турли хил кўринишлардаги тоталитар бошқарувга ундайди.

Миллатчилик экстремизми:

-доимо ўз миллатининг манфаатлари, ҳуқуқлари, тили ва маданиятини ҳимоя қилади;

-ўз миллатининг ҳукмронлигига, имтиёзли ҳолатларни мустаҳкамлашга интилади;

-миллатлараро нифоқ чиқаришга, бошқа миллат вакилларига нисбатан тоқатсизликка, кўп миллатли давлатларда сепаратистик ҳаракатлар қилиб, бошқа давлатларга ҳудудий даъволар қилиш билан боғлиқ. Миллатчилик экстремизмнинг кучли, чуқур ва узоқ муддатли омили сифатида келтирилади.

Таъкидлаш жоизки, диний экстремизм ўз кўлами ва ижтимоий хавфлиликка кўра миллатчиликдан ҳам кучлироқ таҳдидли кўринишдир. Чунки, у ўз байроғи остида турли хил миллат, элат ва халқларни ҳам қамраб олади [5]. Миллатчилик ва диний экстремизмнинг алоҳида муҳим жиҳати шундаки, у ўз оқими тасаввуридаги сиёсий гуруҳлар, миллий ва диний элиталарни бўйсундирганлигидир. Мутахассислар томонидан ҳар бир тадқиқот объектига нисбатан ҳолис ва илмий асосланганлик нуқтаи назардан ёндашилиб, ҳар бир хулоса материалнинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда шаффоф тарзда тайёрланади.

### МУҲОКАМА

Низомга асосан, материалларни қуйидаги мақсадларда тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатишга йўл қўйилмайди: жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ёки ижтимоий мавқеига қараб ёхуд бошқа ҳолатларга кўра фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини камситиш ёки ўзга шахслар маҳсулотларини обрўсизлантириш, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартириш, унинг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигига путур етказишга даъват қилиш, уруш, зўравонлик, терроризм, шунингдек, экстремизм, сепаратизм, диний ақидапарастлик ёки мутаассиблик билан йўғрилган ғояларни тарғиб қилиш, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи ахборотни тарқатиш, диний эътиқодни ўзгартиришга даъват қилиш, динга эътиқод қилувчиларнинг ҳис-туйғуларини ҳақорат қилиш ёки камситиш, фуқароларни ўз конституциявий мажбуриятларини бажармасликка чақириш, давлат, жамоат ёки диний ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва мол-мулкига тажовуз қилишга ундаш, гиёҳванд воситалар, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ва прекурсорларни тарғиб қилиш, қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликни келтириб чиқарувчи хатти-ҳаракатларни амалга оширишга ундаш ҳолатлари ноқонуний ҳисобланади [6].

Шу ўринда қайд этиб ўтиш лозимки, Тошкент шаҳрида сотилаётган исломий адабиётларда Дин ишлари бўйича қўмитанинг рухсатномаси - ялтироқ голограммани кўришимиз мумкин. Лекин **бошқа динларнинг хориждан келтирилиб, сотилаётган диний адабиётларида** Дин ишлари бўйича қўмитанинг рухсатномаси - ялтироқ голограммаси ҳар доим ҳам кўринмайди[7].

**Голограмма бу-** белгиланган диний мазмундаги материалларни тарқатиш учун рухсат берилганлигини билдирувчи махсус эмблема ҳисобланади [8].

Бундан ташқари диний мазмундаги тақиқланган материалларни нафақат китоб ёки варақа ёки қўлланма шаклида эмас электрон шаклда ҳам учратиш кўпайиб бормоқда. Ижтимоий тармоқлардаги бир қанча экстремистик ва террористик деб топилган саҳифа ва каналларнинг рўйхати Адлия вазирлигининг веб-сайтида эълон қилинган бўлиб, маълумотга кўра, Олий суднинг 2021 йил 24 декабрдаги ҳал қилув қарорига асосан ижтимоий тармоқлардаги 19 та канал (гуруҳ, материал)лар экстремистик ва террористик деб топилган ҳамда Ўзбекистон ҳудудига олиб кириш, тарқатиш, тайёрлаш ёки намойиш этиш тақиқланган. Улардан 8 таси Telegram мессенжериди, яна 8 таси Facebook ва 3 таси Instagram платформаларида фаолият олиб боради [9].

Адлия вазирлиги тақдим этган умумий рўйхатда экстремистик ва террористик деб топилган саҳифа ва каналларнинг сони қарийб 150 тани ташкил этади. Ушбу саҳифалар «Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида»ги қонуннинг 11-моддасини бузган. Унга мувофиқ, Ўзбекистон ҳудудига олиб кириладиган, тайёрланаётган, сақланаётган, тарқатиладиган ва намойиш этиладиган, ОАВда тарқатиладиган материаллар агар экстремистик фаолиятни амалга оширишга ошқора даъват қиладиган бўлса, қонун ҳужжатларига кўра суд томонидан экстремистик материаллар деб топилди ҳамда уларни олиб кириш, тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ва намойиш этиш тақиқланади [10].

## ХУЛОСА

Юқорида кўрсатилган диний мазмундаги материаллар тушунчаси ва уларни олиб кириш, тайёрлаш ва тарқатишда тақиқланган ҳолатларнинг таҳлили бўйича қонунчиликдаги бироз зиддиятли ҳолатни кўриш мумкин.

Яъни диний мазмундаги материалларни тайёрлаш бўйича миллий қонунчилигимизда айрим ҳолатларни мумкинлиги билан рухсат берилган. Агар тайёрлаш жараёнида тақиқланган ҳолатлар амалга ошириладиган бўлса бу жиноий жавобгарликни келтириб чиқариши ҳам норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб берилган [11]. Лекин Жиноят кодекси ва “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунни ва “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисида” Низо талабларига эътибор қаратилса, бу фаолиятнинг тақиқланганлиги кўпроқ асосланган. Шундай экан барча экстремизмга қарши курашиш фаолиятига тегишли қонунчиликни мазмун жиҳатдан бир хил қилган ҳолда диний мазмундаги тақиқланган материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш деб белгилаб олиш мақсадга мувофиқ.

Чунки, Жиноят кодексининг 244<sup>1</sup>-моддасида ҳам “Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намойиш этиш” деб белгиланган, яъни таҳдид сўзи ишлатилмади, шунингдек 244<sup>3</sup>-моддасида “Диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш” деб белгиланган, лекин Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 апрелдаги 180-сон қарорида “Диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш ҳамда диншунослик экспертизасини ўтказиш тартиби” кўрсатилган. Яъни бу ерда тақиқланган ёки қонунга хилоф сўзлари ишлатилмаган. Лекин Низом таркибида тақиқланган ҳолатларга ва мумкин бўлмаган ҳаракатларга нисбатан иш олиб бориш методикаси ҳам кўрсатиб ўтилган. Бу таҳлилдан кўриниб турибдики, диний мазмундаги материалларни тайёрлаш тушунчаси кўрсатилган, лекин қачон мана шу тайёрланган материаллар тақиқланган бўлиши батафсил кўрсатилмаган. Шуларни ҳисобга олган ҳолда

тегишли қонунчиликдаги диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш деб белгилаш мақсадга мувофиқ.

## REFERENCES

1. Нигматов Р.О. Экстремизмнинг назарий тушунчалари ва унинг турлари / Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш: муаммо ва ечимлари Илмий мақолалар тўплами. 2022 йил . Тошкент. 3-9 б.
2. <https://lex.uz/docs/5957921>
3. Жаббаров З.Қ. Бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган терроризм ва экстремизм жиноятларини олдини олишга оид айрим мулоҳазалар. / Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш: муаммо ва ечимлари Илмий мақолалар тўплами. 2022 йил . Тошкент. 328-332 б.
4. Акимов А.Б. Экстремизм ва терроризм башарият душмани. / Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш: муаммо ва ечимлари Илмий мақолалар тўплами. 2022 йил . Тошкент. 138-143 б.
5. <https://sof.uz/post/dinshunoslik-ekspertizasini-otkazish>
6. Болгария Республикасининг Жиноят кодекси / Юридик фанлар номзоди, профессор А.И.Лукашовнинг илмий таҳрири. Д.В.Милушев ва А.И.Лукашовларнинг болгарчадан таржимаси; И.И.Айдарованинг кириш мақоласи. – Санкт-Петербург: Юридический центр Пресс, 2001. – С. 92.
7. <https://sof.uz/post/dinshunoslik-ekspertizasini-otkazish>
8. *Старосветский Е.А.* Экстремизм в современном российском обществе // Научные ведомости Белгородского государственного университета. – Белгород, 2008.
9. <https://www.gazeta.uz/uz/2022/01/25/extremism-materials/>
10. Тихомиров, О.К. Экспериментальный анализ эвристик / О.К. Тихомиров // Эвристические процессы в мыслительной деятельности. 25 симпозиум. - М., 1966;
11. Ўринов О.Л. Экстремизмнинг интернет майдонида тарғиб қилиниши билан боғлиқ муаммолар ва уларга қарши курашни ташкил этиш / Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш: муаммо ва ечимлари Илмий мақолалар тўплами. 2022 йил . Тошкент. 261-271 б.